



## ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ОЗИҚ-ОВҚАТ БОЗОРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

**Сотволдиев Нодирбек Журабаевич**

*Наманган давлат университети доценти, иқтисодиёт фанлари доктори (DSc). Ўзбекистон. [nodirbek.s@mail.ru](mailto:nodirbek.s@mail.ru)*

**DOI:** [https://doi.org/10.55439/EIT/vol10\\_iss3/a30](https://doi.org/10.55439/EIT/vol10_iss3/a30)

### Аннотация

Мақолада ишлаб чиқариш хажмини оширишнинг изчил рағбатлантириш механизмларини ишга солиш, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминлаш учун давлат томонидан озиқ-овқат бозорини тартибга солишнинг салмоқли чора-тадбирлари таҳлил этилган. Озиқ-овқат бозорида давлат томонидан мажмуавий тавсифдаги чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилган илмий хулоса ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** озиқ-овқат бозори, озиқ-овқат хавфсизлиги, озиқ-овқат нархи, ташқи савдо, давлат, тартибга солиш, чора-тадбирлар.

### Аннотация

В статье анализируются использования механизмов интенсивного стимулирования по наращиванию объемов производства, весомые меры со стороны государства по регулированию продовольственного рынка, с целью обеспечения политической и социально-экономической стабильности. Разработаны научные выводы и практические рекомендации по реализации государственных мер комплексного характера на продовольственном рынке.

**Ключевые слова:** продовольственный рынок, продовольственная безопасность, цены на продовольствия, внешняя торговля, правительство, регулирование, меры.

### Abstract

The article analyzes the use of intensive incentive mechanisms to increase production volumes, significant measures on the part of the state to regulate the food market, in order to ensure political and socio-economic stability. Scientific conclusions and practical recommendations on the implementation of state measures of a comprehensive nature in the food market have been developed.

**Key words:** food market, food security, food prices, foreign trade, government, regulation, measures.

### Кириш

Давлат томонидан озиқ-овқат бозорини тартибга солиш амалиётида иқтисодий ва маъмурий усуллар асосий ўрин эгаллайди. Мазкур усуллардан фойдаланиш ҳар бир мамлакатда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишни талаб этади. Давлат томонидан белгиланган тартиб ва меъёрларни бажарилиши ижтимоий-иқтисодий вазиятга қараб мажбурий ёки тавсиявий бўлиши мумкин. Чунки, қишлоқ хўжалигида ўзини ўзи тартибга солишнинг бозор механизми ҳатто саноат билан паритетли баҳолар ва даромадларда ҳам талаб билан таклифнинг мувозанатини таъминлай олмайди.

Шунинг учун талабни кенгайтиришга ва ўсиб боровчи таклиф билан мувозанатлаштиришга йўналтирилган давлат сиёсати зарур бўлади.

Давлат томонидан озиқ-овқат бозорини тартибга солиш заруриятини қўйидагилар билан изоҳлаш мумкин: озиқ-овқат маҳсулотлари аҳолининг бирламчи эҳтиёжлари таркибига кириши ва истеъмолнинг кундалик меъёри боис нарх бўйича эластикликни нисбатан пастлиги; озиқ-овқат маҳсулотларининг тақчиллиги мамлакатда ижтимоий, сиёсий, иқтисодий инқирозларни юзага келтириши; озиқ-овқат маҳсулотлари импортига қарам мамлакатлар экспорт қилувчи давлатларнинг сиёсий таъсирига учраши; овқатланиш таркиби ва сифати кўп жиҳатдан миллатнинг саломатлиги ва меҳнатга лаёқатини таъминлаши; озиқ-овқат маҳсулотлари табиий-иқлим ва биологик такрор ишлаб чиқариш жараёнлари билан бевосита боғлиқлиги; давлатнинг озиқ-овқат хавфсизлиги сиёсати таъсирида турли даражадаги рақобат муҳитини шаклланиши; минтақаларнинг табиий-иқлим шароитлари, агроресурс салоҳияти ва иқтисодий ривожланишидаги фарқлар ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолининг миллий анъаналари; аҳоли даромад даражасининг ҳудудий фарқланиши ва бошқалар. Бундай шароитда давлатнинг озиқ-овқат бозорини бошқариш ва қўллаб-қувватлашдан воз кечиши, озиқ-овқат фондини шакллантиришни хусусий тузилмалар иштироига ташлаб қўйиши мамлакатни инқироз ҳолатига олиб келади. Бу эса, давлат томонидан озиқ-овқат бозорини тартибга солиш йўналишларини ишлаб чиқишни ва доимий назорат қилишни талаб этади.

#### **Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили**

Монетаристик мактаб оқими намоёндалари (М.Фридмен, Ф.Хайек, Ф.Найт, Г.Саймонс ва бошқалар) давлатнинг бозор муносабатларига тизимли тарзда аралашуви иқтисодий тараққиётга салбий таъсир этади, деб ҳисоблайдилар [1]. Уларнинг фикрича, давлатнинг бозор муносабатларини тартибга солишдаги ўрни муомаладаги пул массасини етарли миқдорларда сақлаб қолиш, мамлакат иқтисодиёти учун стратегик аҳамиятга эга бўлган соҳа ва тармоқларни кредитлаш тадбирларини олиб бориш ва ижтимоий харажатларни чегаралаш билан боғлиқ сиёсатда акс этмоғи лозим. Институционализм мактаби намоёндалари Р.Хейлбронер ва Л.Туроу фикрича, давлатнинг иқтисодиётни тартибга солиш дастаклари кучайиб бориши керак. Бу эса бозор механизмнинг номукамаллиги ва айни пайтда жамият тараққиётидаги муаммоларни ҳал этишга қодир эмаслиги билан изоҳланади [2].

Давлат томонидан озиқ-овқат бозорини тартибга солишга қаратилган тадқиқотларда ҳам турли хил ёндошувлар кузатилади. Хусусан, Р.Хейлбронер ва Л.Туроуларнинг фикрича, озиқ-овқат бозорининг тадқиқ этиш орқали давлат томонидан озиқ-овқат хавфсизлигини назорат қилиш мумкин бўлган нуқталар ва босқичлар аниқланади [3]. А.Н.Магомедов томонидан ривожланган мамлакатларнинг тажрибалари ўрганилган бўлиб, Японияда гуруч, буғдой, гўшт ва сут маҳсулотлари истеъмол нархининг 20 фоизини давлат тартибга солиб туради. Францияда ҳам нархнинг 20 фоизи давлат томонидан тартибга солинади. АҚШда эса тартибга солишнинг билвосита тизими қўлланади [4]. Г.В.Беспяхотний ва И.Г.Ушачевлар томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда давлат субсидиялари улуши таҳлил этилган. Жумладан, давлат субсидиялари АҚШда 30 фоизни, Швецияда 59 фоизни, Канадада 41 фоизни, Японияда 68 фоизни, Австрияда 52 фоизни, Норвегияда 77 фоизни, Швейцарияда 80 фоизни ва Финландияда 67 фоизни ташкил этади [5]. И.А.Минаковнинг тадқиқотларига кўра, АҚШ ва Ғарбий Европада божхона ва компенсация тўловларини белгилаш ҳисобига миллий озиқ-овқат бозорини ҳимоя қилиш механизми яратилган. Бу чоралар миллий ва жаҳон нархлари ўртасидаги фарқни қоплашга ва қишлоқ хўжалигининг даромадлигини оширишга қаратилган

[6]. Д.Р.Рахмонов ва И.М.Фаниевлар томонидан Ўзбекистонда давлат ғалла захираларини шакллантириш ва тақсимот тартибини ўзгартириш масалалари ўрганилган [7]. Ч.Муродов ва Х.Я.Саатоваларнинг фикрича, бозор иқтисодиёти шартларига жавоб берадиган ва озиқ-овқат хавфсизлигининг зарур даражасини таъминлайдиган аграр протекционизмнинг аниқ чора-тадбирларини ишлаб чиқиш лозим [8].

Фикримизча, мамлакатларнинг иқтисодий ва демографик салоҳиятидан самарали фойдаланиш зарурияти билан боғлиқ ўзгаришлар асосида давлат томонидан озиқ-овқат бозорини тартибга солиш мақсадга мувофиқ. Бунда биринчидан, миллий бозорни яхлит ҳолда ривожлантиришга қаратилган давлат дастурларида алоҳида минтақанинг демографик тузилиши ва ишлаб чиқариш имкониятларини баҳолаш долзарблик касб этади. Иккинчидан, озиқ-овқат хавфсизлиги даражаси замонавий талаблар учун етарли эмаслигини тан олиш лозим. Бу эса озиқ-овқат захираларини шакллантириш ва ҳукуматнинг белгилаган қоидалари асосида минтақалар томонидан махсус дастурлар ишлаб чиқишни талаб этади. Учинчидан, озиқ-овқат маҳсулотлари импорти бир томондан, озиқ-овқат маҳсулотлари тақчиллигини бартараф этиш билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг манфаатларини ҳимоялаш масаласи оқилона тарзда ҳал этилиши билан боғлиқ.

#### **Тадқиқот методологияси**

Тадқиқотда қиёсий таҳлил усули орқали давлат томонидан озиқ-овқат бозорини тартибга солиш йўналишларининг умумий ва ўзига хос бўлган жиҳатлар аниқланди. Абстракциялаш усули ёрдамида турли хил фикрларни умумлаштирилган натижалари шакллантирилди, бу эса давлат томонидан озиқ-овқат бозорини тартибга солишнинг ўзаро боғлиқ бўлган ҳодисаларини кузатишга ва муайян гуруҳларга ажратишга имкон берди. Тадқиқотнинг формал тус берилган мантиқий усуллари орқали давлат томонидан озиқ-овқат бозорини тартибга солишнинг аҳамияти асосланди.

#### **Таҳлил ва натижалар**

Глобаллашув шароитида ҳар бир мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқади. Ушбу тизим ички бозорни ҳимоя қилишга қаратилган сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий шарт-шароитларни яратиш беради. Бунда иқтисодий ривожланиш билан боғлиқ бўлган ҳимоя даражаси алоҳида аҳамият касб этади. Масалан, кўплаб мамлакатлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва озиқ-овқат савдосида ташқи омилларнинг салбий таъсирини олдини олишга қаратилган давлат дастурларини амалга оширганлар. Лекин, мазкур стратегик чора-тадбирлар ўзининг ижобий натижалари билан бирга салбий оқибатларини ҳам намоён қилган, жумладан [9]:

1. «Яшил инқилоб» дастури Мексика қишлоқ хўжалигида экинлар ҳосилдорлигини оширишга қаратилган эди (1943 йил). Мексика тажрибаси ва янги навли уруғлар Колумбия, Ҳиндистон, Покистон, Шри-Ланка ва Филиппинда кенг тадбиқ этилди. 1990 йилга келиб Африкада жами экин майдонларининг 50 фоизи, лотин Америкаси ва Осиёда 70 фоизини қамраб олди. Натижада, буғдой ишлаб чиқариш ҳажми ўсди. Жаҳонда 1960-2000 йиллар давомида буғдой ҳосилдорлиги 208 фоизга ошди. Лекин, атроф-муҳит ва тупроқнинг ёмонлашишига, кимёвий ўғит ва пестицидлардан ҳаддан ортиқ фойдаланишга, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг хилма-хиллигининг камайишига олиб келди. Бир хил турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши нархни пасайишига ва фермерларнинг инқирозига олиб келди. Умуман, «Яшил инқилоб» дастури очарчилик ва камбағаллик муаммосига мажмуали ёндашув заруратини намоён этди. Фақат қишлоқ хўжалиги тармоғида ҳосилдорликни ошириш билан озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаб

бўлмаслиги тан олинди. Бу эса ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва ташқи савдонинг аҳамиятига эътибор қаратишга олиб келди;

2. Ташқи савдони эркинлаштириш сиёсати жаҳон бозорида маҳсулот нархини энг паст чиқимлар билан белгилаш имконини берди. Ишлаб чиқариш хажмини ошириш ва ресурсларни оқилона тақсимлашга олиб келди. Бу эса, жаҳон бозорида нархларнинг кескин тебранишига сабаб бўлди ва кўплаб мамлакатларда ноқулай бозор конъюнктурасидан ҳимояланишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилди (ишлаб чиқарувчиларни ҳимоялаш учун компенсация тўловлари жорий этилди, хаддан ташқари кўп етиштиришни олдини олишга қаратилган ёрдам пуллари берилди);

3. Ташқи савдони чеклаш сиёсати. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун кўплаб мамлакатлар импортга нисбатан чекловлар жорий этди. Ташқи савдо чекловлари озиқ-овқат маҳсулотларининг 90 фоизини миллий бозорларда истеъмол қилишга олиб келди. Шунингдек, озиқ-овқат экспортига киритилган чекловларда миллий бозорни барқарорлаштириш ва аҳолига иқтисодий имконият яратиш мақсади назарда тутилди. Экспорт ва импорт чекловлари ижобий натижалари билан бирга барча мамлакатларда қонунбузарлик, коррупция ва ноқонуний савдо учун қулай шароит яратди. Чунки, ички ва ташқи бозордаги нархлар ўртасида юқори фарқ вужудга келди. Бунда ички харид нархлари инфляциядан ортда қолди ва ушбу нархлар ишлаб чиқарувчилар учун манфаатсиз бўлиб қолди. Мазкур шарт-шароитлар ишлаб чиқариш харажатлари ўрнини қопловчи давлат субсидияларининг хажмини ортишига олиб келди;

4. Истеъмолни қўллаб-қувватлаш сиёсати мақсадли озиқ-овқат билан кўмак дастурлари жами аҳоли ёки унинг махсус гуруҳлари учун қаратилган эди. 1960 йилларда собиқ Иттифоқ мамлакатларида чорвачилик маҳсулотларининг истеъмолини ошириш учун қайта ишловчи тармоқларга субсидиялар ажратилди. Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари ҳам собиқ СССРдан ўртак олиб, чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришига субсидия кирита бошлашди. Натижада чорвачилик маҳсулотларининг истеъмол кўрсаткичи ошди. АҚШда эса озиқ-овқат купонлари дастури амалга оширилди. Бундан ташқари, универсал озиқ-овқат билан кўмак дастурлари ҳам амал қилиб, жами аҳолининг минимал истеъмол даражасини кафолатлаш учун мамлакат миқёсида субсидия берилди. Лекин, кўплаб мамлакатларда истеъмолчилар учун субсидиялар ажратишдан воз кечилди, чунки иқтисодий чиқимларга қиёслаганда уларнинг самарадорлик даражаси паст эди ва импортнинг хажмини ошишига олиб келди;

4. Микрооziқавий моддалар таъминоти дастури кўплаб мамлакатларда озиқ-овқат маҳсулотларини витамин ва минерал билан бойитиш қаратилган. Бу эса аҳоли саломатлигини таъминлаш ва касалликларни олдини олишнинг энг тежамкор йўли сифатида баҳоланмоқда. Масалан, жаҳонда тузни йод билан бойитишнинг бир йиллик харажатлари аҳоли жон бошига 0,02-0,06 долларни ташкил қилади. Шундай бўлсада, бугунги кунда дунёдаги 118 мамлакатнинг аҳолиси йод етишмаслигидан азоб чекади ва микрооziқавий моддалар танқислиги хавфига йўлиққан.

Юқорида амалга оширилган давлат дастурлари ва унда белгиланган йўналишларда озиқ-овқат муаммосини ҳал этиш масалалари глобаллашув жараёнлари билан бевосита боғланган эди. Бу даврда озиқ-овқат хавфсизлигига фақат алоҳида мамлакат даражасида эришиш мумкинлиги тан олинди. Шунга кўра, халқаро саммит ва форумларда «глобал фикрлаш – локал ҳаракат» тамойили жорий этилмоқда.

Айни пайтда аҳоли даромадларини ошириш ва тўловга қобилиятли талабни

шакллантириш орқали фермерларни молиявий барқарорлигини таъминлаш каби **янги йўналиш** пайдо бўлди. Мазкур йўналишда аҳолининг даромад даражасини ошириш ва генетик ресурслар орқали овқатланиш сифати юксалмоқда. Натижада давлатлар озиқ-овқат ишлаб чиқариши ва истеъмолида субсидия ва компенсацияларни қисқартирди. Лекин, ушбу йўналиш ҳам ўзининг салбий оқибатларини номоён қилмоқда. Ғарб ва Европа мамлакатларида ортиқча вазн ва семизлик муаммоси келиб чиқди. Энг юқори кўрсаткич Белгия (аҳолининг 13,7 фоизи) ва Швеция мамлакатларида кузатилади [10]. Бу касаллик беш ёшгача бўлган болалар ўртасида паст бўйли аҳолини тарқалишига ва ўрта ёшли аҳоли ўртасида жисмоний ҳаракатни чекланишига олиб келмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, халқаро иқтисодий алоқаларда озиқ-овқат таъминоти сиёсий ва иқтисодий босим дастаги бўлиб келмоқда. Жаҳон бозоридаги озиқ-овқат нархларини тез суръатларда ўсиб кетиши ҳам экспортёр мамлакатларнинг биргаликдаги ва узоқ муддатли таъсирлари натижасидир. 2000 йилгача юқори ҳосилдорлик ва озиқ-овқат захиралари ҳисобига жаҳон нархлари пасайиб борди. Шу билан бир вақтда қишлоқ хўжалигига давлат ва хусусий инвестициялар хажми қисқариб борди. Жаҳон бозоридаги паст нархлар натижасида айрим мамлакатларнинг фермерлари зиён кўришди ва ер ресурслари қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқиб кетди. 2004 йилдан бошлаб озиқ-овқат маҳсулотларининг жаҳон нархлари сезиларли даражада ўсиб борди. 2006 йилда жаҳон ғалла ишлаб чиқариш хажми 2,1 фоизга қисқарди ва нархлар индекси 118,9 фоизни ташкил этди (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Озиқ-овқат маҳсулотларининг жаҳон нархлари индекси  
(базис 2002-2004 йиллар, фоизда) [11]**

Йиллар	Озиқ-овқат маҳсулотлари нарх индекси	Гўшт	Сут	Ғалла	Ўсимлик ёғи	Шакар
2000	91,1	96,5	95,3	85,8	69,5	116,1
2001	94,6	100,1	105,5	86,8	67,2	122,6
2002	89,6	89,9	80,9	93,7	87,4	97,8
2003	97,7	95,9	95,6	99,2	100,6	100,6
2004	112,7	114,2	123,5	107,1	111,9	101,7
2005	118,0	123,7	135,2	101,3	102,7	140,3
2006	127,2	120,9	129,7	118,9	112,7	209,6
2007	161,4	130,8	219,1	163,4	172,0	143,0
2008	201,4	160,7	223,1	232,1	227,1	181,6
2009	160,3	141,3	148,6	170,2	152,8	257,3
2010	188,0	158,3	206,6	179,2	197,4	302,0
2011	229,9	183,3	229,5	240,9	254,5	368,9
2012	213,3	182,0	193,6	236,1	223,9	305,7
2013	209,8	184,1	242,7	219,3	193,0	251,0
2014	201,8	198,3	224,1	191,9	181,1	241,2
2015	164,0	168,1	160,3	162,4	147,0	190,7
2016	161,5	156,2	153,8	146,9	163,8	256,0
2017	174,6	170,1	202,2	151,6	168,8	227,3
2018	168,4	166,3	192,9	165,3	144,0	177,5
2019	171,4	175,7	198,7	164,3	135,2	180,3
2020	170,0	148,1	163,0	162,8	194,9	222,9

Мазкур жадвал маълумотлари таҳлили шуни кўрсатадики, 2007 йилда озиқ-овқат маҳсулотлари нархлар индекси 161,4 фоизни ташкил этган. Бунинг асосий сабаби, 2007 йилдан бошлаб нефт нархида кескин ўсиш кузатилган. Бу эса нафақат минерал ўғитлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари таннархини ошишига, балки ғалла ва мойли экинлар ҳисобидан биоёқилғи ишлаб чиқаришни кўпайтиришга ҳам шароит яратди. Мазкур тенденциясини давом этиши 2011-2014 йилларда озиқ-овқат маҳсулотлари нарх индексини 200 фоиздан юқори бўлишига олиб келди. Ишлаб чиқариш хажмини ошириш ва халқаро алоқаларни ривожлантириш шароитида ҳам нарх индекси 2015 йилда 164,0 ва 2020 йилда 170,0 фоизни ташкил этмоқда.

Бундай шароитда мамлакатлар озиқ-овқат экспортига чекловлар жорий қилмоқдалар, йирик импорт қилувчи мамлакатлар эса ички озиқ-овқат захирасини керакли даражада таъминлаш мақсадида, нархлар қандай бўлишидан қатъий назар сотиб олмоқдалар.

Умуман олганда, жаҳон озиқ-овқат захиралари шаклланишининг ҳозирги ва кўтилаётган тенденциялари ва унинг мураккаблигини эътиборга олган ҳолда мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлиги бугунги кунда ҳам, келажакда ҳам ички ишлаб чиқариш ҳисобига таъминланади. Ички ишлаб чиқариш ҳисобига ўзини ўзи таъминлаш давлатнинг ўз қобилигига ўралиб олишини билдирмайди, аксинча, экспорт учун ишлаб чиқариш хажмларини ошириб бориш ва импорт таркибини такомиллаштириш тўғрисида сўз бормоқда. Бу халқаро меҳнат тақсимоли афзалликларидан ва жаҳон бозорининг қулай конъюнктурасидан фойдаланиш билан бир қаторда мамлакатнинг озиқ-овқат мустақиллигига кўмак беради.

### **Хулоса ва таклифлар**

Бизнингча, давлат томонидан озиқ-овқат бозорини тартибга солиш йўналишлари қуйидаги чора-тадбирларга асосланади:

биринчидан, озиқ-овқат бозорини давлат томонидан тартибга солишда минтақалар хусусиятларини чуқур эътиборга олиш талаб этилади. Миллий бозорни яхлит ҳолда ривожлантиришга қаратилган давлат дастурларида алоҳида минтақанинг демографик тузилиши ва ишлаб чиқариш имкониятларини баҳолаш мақсадга мувофиқ. Маҳаллий ҳокимият органлари ҳукумат даражасида белгиланган қоидалар асосида ислохотларни олиб бориши ва мақбул стратегияни ишлаб чиқиши лозим;

иккинчидан, озиқ-овқат бозорини барқарор ривожлантиришнинг устувор шарт-шароитларини таъминлаган ҳолда давлат томонидан қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш талаб этилади. Бу сиёсатнинг мақсади – қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар даромадини халқ хўжалиги даражасида бўлишига эришишдир;

учинчидан, сўнгги йилларда озиқ-овқат хавфсизлиги даражасига баҳо берилар экан, унинг чегараси тўғрисида даражадан анча юқорида бўлсада, лекин замонавий талаблар учун ҳали етарли эмаслигини тан олиш лозим. Бунда озиқ-овқат фондини шакллантиришнинг асосий манбаи сифатида давлат томонидан самарали тартибга солиш чора-тадбирлари талаб этилади;

тўртинчидан, озиқ-овқат маҳсулотлари импортини тартибга солиш масаласи нисбатан мураккаб кўриниш олади. Бу эса бир томондан, озиқ-овқат маҳсулотлари тақчиллигини бартараф этиш билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар манфаатини ҳимоялаш масаласи оқилона тарзда ҳал этилиши билан боғлиқ;

бешинчидан, озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берувчи давлатларнинг ўз ҳукмини ўтказишга уринишларидан сақланиш лозим. Ушбу давлатлар айниқса, ривожланаётган мамлакатларда маълум сценарий бўйича ҳаракат қиладилар.

Аввалига инсонпарварлик ёрдами кўрсатилади, кейин маҳсулотни тижорат асосларида паст баҳоларда етказиб бериш орқали миллий қишлоқ хўжалиги вайрон қилинади. Шундан сўнг экспортчи мамлакат ўз ҳукмини ўтказишни бошлайди. Бундай келажакка маҳкум бўлмаслик учун давлат томонидан қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш, миллий ишлаб чиқариш хажмида базавий маҳсулотлар барқарорлигини сақлаш, экспорт ва импорт таркибини такомиллаштириш зарур.

Юқорида келтирилган давлат томонидан озиқ-овқат бозорини тартибга солиш йўналишлари, энг аввало, миллий бозорни яхлит ҳолда ривожлантиришда минтақаларнинг мутаносиблигини таъминлаш, озиқ-овқат хавфсизлиги нуқтаи назаридан ишлаб чиқарувчиларни доимий қўллаб-қувватлашдан иборат. Айни пайтда, мамлакат аҳолисининг барча қатламларини тиббий меъёрларга мувофиқ тарзда овқатланиши биринчи галдаги вазифа сифатида қаралади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Захарченко В.И. Сумма знаний в экономике (Том 1). – Одесса: Наука и техника, 2008. – С. 140.
2. Хейлбронер Р., Туроу Л. Экономика для всех (Пер. с англ.). – Новосибирск: Экор, 1994. – С. 80-83.
3. Kim S.G. A critical analysis of U.S. food safety policy structure and its characteristics focusing on food safety control systems and information regulations// The Agricultural Marketing Journal of Japan. – Токуо: 2004, № 2. – pp. 45-55.
4. Магомедов А.Н. Финансовая и институциональная структура кредитования сельского хозяйства в США// Ж. АПК: экономика и управление. – М.: 2011, № 3. – С. 83-89.
5. Беспяхотный Г.В., Ушачев И.Г. Воспроизводства в аграрной экономике: вопросы теории, государственного регулирования и эффективности производства. – Тула: РАСХН, 2009. – С. 32-34.
6. Минаков И.А. Кооперация и агропромышленная интеграция в АПК. – М.: Экономика, 2007. – С. 26-27.
7. Рахмонов Д.Р., Ғаниев И.М. Халқаро озиқ-овқатлар бозори ҳолати ва Ўзбекистонда ғалла бозорини ривожлантириш хусусиятлари// Озиқ-овқат маҳсулотлари бозори ва унинг амал қилиш механизмини такомиллаштириш: илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Наманган: НамДУ, 2015. – Б. 263-269.
8. Муродов Ч., Саатова Х.Я. Основные направления стратегии продовольственной безопасности в условиях мирового финансово-экономического кризиса// Ўзбекистонда иқтисодийни модернизациялаш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш муаммолари: республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. – Наманган: НамДУ, 2011. – Б. 5.
9. Мусаев Д., Яхшиликков Ё., Юсупов Қ. Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлиги. – Тошкент: UNDP, 2010. – Б. 16-52.
10. Новый взгляд на продовольственную безопасность и питание: Сорок четвертая сессия Комитета по всемирной продовольственной безопасности. – Рим: 2017. <http://www.fao.org/3/a-mu263r.pdf>
11. World Food Situation. <http://www.fao.org/worldfoodsituation/foodpricesindex/en/>